

120/5 -сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва окава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тўрғиқ шаҳар/туман.

«18» янв. 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Нисом асосида фаолият юритувчи

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи РСТЭИАМ Тошкент Вил. Филиали
Устоб асосида иш олиб борувчи директор Р.Б. Шодиев
(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

| | | | |
|---|-------------|--|--------------------------------------|
| 1.1. 20 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиш | наرخ бўйича | 387 | М ³ ни: |
| 1 м ³ сув учун | 4600 | сум (+ККС 15%), + 50 сум (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда | |
| 1 м ³ окава суюқлик учун | 1495 | сум (+ККС 15%) + 50 сум (махсус устама ҳақ) | |
| Шу тариха шартноманинг умумий киймати | | 2397465 | сўмни ташкил қилди. |
| Шу жумладан, бюджет маблағларидан | | 2397465 | сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан |

сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўлашни кўзда тутилган. Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари томонидан тўлов мунғасам (ойма-ой) тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Мадия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва окава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окава суви чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондаларни"га (кейинчалик матнда – Қондалар деб юритилади), ва Тошкент вилояти Ҳокимиятининг 2019 йил 13 мартдаги № 200-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам 1 м³ 50 сўмдан махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва окава сув чиқариш тизимига улаштириш учун рухсат эгувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (фишл ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига улаштиришдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нуسخасини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қондалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш, ҳамда, ичимлик суви билан автоматшарларни ювиш учун фойдаланиш қатъийан ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгилиларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган. "Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, окава сувларини "Истеъмолчининг" канализация тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва окава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ тузилди.

2.4. Суви ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик суви ҳисобга олиш ускунасининг ечилиш, қисқасдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказишнинг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишдилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдордан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қуришга била таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатиш тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг улаштириш Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги метёр, қондалар ва бошқа метёрлик ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан улаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қуриш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацияно масъулият чегараси (сув ва окава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжалиқлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой миқдорлари шартлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг қиритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўтирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисmidir;

б) окава тизими учун магистрал окава тизимига улаштириш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички окава тизимининг бир қисmidir. Агар чиқариш окава қудуғи магистрал окава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалиқининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

